

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

348 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-4

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 26 июнь,
2014-22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази бош
директорининг 2014 йил 26 июндаги
2014-22-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари
битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«акциядорларнинг талабига кўра акциядорлик жамияти томонидан ўз
акцияларини сотиб олинганда;».

2. 3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида битим-
лар тузиш ва уларнинг рўйхатга олинishi:

қимматли қоғозларнинг чиқарилиши рўйхатга олинмаган ёхуд бекор
қилинган, амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилганда;

қимматли қоғозлар битим тузиш вақтида бегоналаштирувчининг ихтиё-
рида мавжуд бўлмаганда;

битим тузиш вақтида қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши ёки
муомаласи тўхтатиб турилганда;

қимматли қоғозларга гаров ёки бошқа мажбуриятлар юклатилганда (агар-
да шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса);

қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши ва муомалада бўлишига чек-
ловлар қўйилганда;

акция ва корпоратив облигациялар бланк ва сертификат шаклида чиқа-
рилганда (депозитарийга берилгунга қадар);

қимматли қоғозлар эгасининг депо ҳисобварағида бўлган қимматли қоғоз-
ларнинг қиймати тўлиқ тўланмаганда;

акциялар очиқ обуна воситасида жойлаштирилганда;

агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса,
акциялар олди-сотди битими бўйича иккиламчи бозорда реализация қилин-
ганда тақиқланади.

4. Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари
савдолар ташкилотчиларининг савдо тизимларидан ташқарида иккиламчи
бозорда тузилган акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотди би-
тимлари ҳақиқий эмас деб топилади, акциядорларнинг талабига кўра акция-
дорлик жамиятлари томонидан ўз акцияларини сотиб олиш бўйича битим-
лар бундан мустасно.».